



Ғанишер РАҲИМОВ

ректор

доцент, филология фанлари номзоди

Самарқанд давлат чет тиллар институти

ganisher1@rambler.ru

ENGLISH FRANCA ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ЁЗГАН МАТНЛАРНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақола English franca тизими фойдаланувчилари томонидан ёзилган матнларнинг социолингвистик хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Унда чет тилида матн тузиш, фикрни ёзма баён қилиш қобилиятини шакллантириш хорижий тилларни ўқитишни такомиллаштиришнинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида таҳлил этилган.

Статья посвящена изучению социолингвистических особенностей письменных материалов пользователей сети English franca. Формирование компетенции при составлении текста и письменном изложении мыслей на иностранном языке анализируется как один из важнейших способов совершенствования преподавания иностранных языков.

The article deals with the analysis of sociolinguistic features of written materials of English Franca network users, and the competences in writing and expression of ideas in written form in general is analyzed as one of the most important problems of enhancement of teaching foreign languages.

Калит сўзлар: ёзма матн, ёзиш қобилияти, тил муҳити, мулоқот, English franca, иккинчи тилни ўзлаштириш, лисоний фаолият, когнитив фаолият, миллий-маданий хусусият.

Ключевые слова: письменный текст, письменная компетенция, языковая среда, коммуникация, English franca, изучение иностранного языка, языковая деятельность, когнитивная деятельность, национально-культурная особенность.

Key words: written text, written competence, linguistic environment, communication, English franca, second language acquisition, linguistic activity, cognitive activity, national-cultural peculiarity.

“The New York Time Book Review” журнали муҳаррири Ева Ҳоффман ўтган асрнинг охирида таржиманинг ижтимоий-маданий муаммолари таҳлилига бағишланган “Lost in translation: Life in a New Language” китобида

фикрни хорижий тилда ёзма баён қилишнинг қийинчиликларидан нолиб, куйидагиларни ёзган эди:

Because I have to choose something, I choose English. If I'm to write about the present, I have to write in the the language of the present, even if its not the language of the self. As a result, the diary becomes surely one of the more interpersonal exercises of the sort produced by an adolcent girl. These are not sentimental reflections of rejected love, eruptions of familiar anger, or consoling broodings about death. English is not the language of such emotions. Instead I set down my reflections on the ugliness of Mozart, and on how Dostoevsky puts me in mind of El Greco. I write down thoughts. I write(15, 121).

Е.Ҳоффманнинг болалик йиллари бошидан кечирганлари ҳақидаги кундалик-эсдаликни битишда учраган қийинчиликлари том маънодаги билингвизмнинг шаклланиши муаммо эканлигидан дарак беради. У асли польшалик яҳудийлардан, она тили – поляк тили, инглиз тилини эса АҚШ фуқаросига айланганидан сўнг ўзлаштирган. Қарангки, Америкада таълим олиб, инглиз тилида чоп қилинадиган нуфузли нашр муҳаррири касбини эгаллаган шахс бирваракайига икки тилда фикр юрита олмайди ва унинг когнитив фаолияти икки босқичли: аввал поляк тили негизида фикрлайди, кейин уни инглиз тилида баён қилади.

Дунёда кечаётган воқеалар, табиат ҳодисалари, инсон кечинмаларининг ёзма баёни мураккаб лисоний-тафаккур фаолиятини талаб қилади. Бу воқеа-ҳодисалар аклий-амаллар негизида концептуал шаклни олади, ментал ҳодисага, ундан лисоний воқеликка айланади. Ахир ҳозиргина келтирилган парчада Е.Ҳоффман “I write down thoughts”, “Мен фикрларни ёзма баён қиламан” деган таъкидни бекорга айтмаётган бўлса керак. Фикрлаш, тафаккур юритиш эса она тили замирида кечади. Юртбошимизнинг “Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили, бу – миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар” деган ўғитларига таянишни маслаҳат бераётган таниқли ўзбек тилшуноси Н. Маҳмудов “Тил халқнинг тафаккур тарзию миллий саъжиясини, яшаш тарзию минг йиллик анъаналарини, бир сўз билан айтганда, халқнинг ботиний ва зоҳирий борлиғини акс эттиришини унутмасликка” чақиради(50, 65).

Тилнинг миллийлиги инсон нутқий фаолияти, айниқса, ёзма ва оғзаки матнлар яратилишида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас. Матн хорижий тилда битилаётганида эса она тилининг акс-садоси доимо сезилиб туради. Ҳатто, бошқа бир мамлакатда кўп йиллар давомида яшаб, шу мамлакат тилида таълим олган, шу тилда мулоқот юритиб, унинг воситасида

умргузаронлик қилиб келаётганлар ҳам ўз она тили “сояси”дан тўлиқ қочиб кетолмасликларини тан оладилар. Шундайлардан бири – асли фин миллатига мансуб, бироқ йигирма йил давомида АҚШда таҳсил олиб, тилшунослик соҳасида докторлик диссертациясини ёқлаган, бугунги кунда ўша ерда амалий тилшунослик фанидан маърузалар ўқиб келаётган Улла Коннердир. Унинг эътирофи шундай: *“Twenty years later, after earning a Ph.D. and gaining several year of teaching and research experience in applied linguistics in the United States, I finally think that I am close to the final stage of second language development. This stage allows a learner to let ideas flow on paper without the interference of having to translate them or being overly conscious of the language. With this last stage comes confidence in oneself as a writer in English. This does not mean, of course, that I am unaware of some non nativness in my writing. For example, because Finnish uses neither article no prepositions, I tend to use them inappropriately”*(6, 219).

Инглиз тилини касбига, маош манбаига айлантириб улгурган кишининг ҳам иккинчи тилда ёзиш қобилияти тўлиқ шаклланмаганлиги ва бу борада унинг айрим “хорижийлик”асоратларидан холи бўлмаслиги ҳам сир эмас.

Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўрганганлар ўз тилларига хос структуралар, иборалар ва бошқа тил бирликлари моделларини тўлиқ унутмайдилар, туларни хорижий матнларига кўчирадилар. Бундай кўчимлар оддий вариатнларни ҳосил қилмасдан, балки дискурс ва матн тузилиши сатҳида юзага келадиган трансференция амалининг намунасидир. Методистлар доимий равишда ушбу кўринишдаги трансференция оқибатларини бартараф этиш ва иккинчи тил ўрганувчиларга ёзма нутқ матнларини тузиш малака ва кўникмаларини сингдириш имконини берадиган методик тавсиялар яратиш йўллари кидириб келмоқдалар(масалан, қаранг: 21; 20).

Бироқ, кўпчилик ишларда матн ижоди, ёзув фаолиятида йўл кўйиладиган хатолар, ноқисликлар санаб ўтилса-да, матн тузиш малакасини юқори даражага кўтаришга маъқул келадиган амалий тавсиялар яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш тажрибаси қониқарли эмас. Бу борада яхши натижага эришиш учун, даставвал, нутқий мулоқот, дискурсив, матн яратиш фаолиятларига хос ҳодисалар ва бу ҳодисаларнинг маданиятлараро муносабатларини таҳлил қилиш талаб қилинади. Таҳлил жараёнида маълум бўлган лисоний-маданий фарқлар чет тилини ўрганувчилар зарарига эмас, балки уларнинг фойдасига ишлайдиган коммуникатив қобилиятнинг мўлжалланаётган шаклини ҳосил қилишга, уларнинг тезроқ янгидан ўзлаштирилаётган маданиятга мослашувига кўмак берадиган манбага айланишини таъминлаш керак. Энг асосийси, бу борада мўлжалга олинаётган

амалий-методик ҳаракатларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва уларни зудлик билан ҳаётга татбиқ этиш учун лисоний фаолиятнинг миллий хусусиятларини, маданиятлараро фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш мақсадини кўзлайдиган этносоциопрагматика, лингвокултурология, қиёсий риторика каби фан соҳаларида тўпланаётган назарий билим кўламини кенгайтириш лозим.

Этносоциопрагматика ва қиёсий риторика йўналишидаги тадқиқотларнинг кўлами етарли эмас, уларда эришилган натижаларнинг амалиётга татбиқ этиш даражаси ҳам мутахассисларни ҳозирча тўлиқ қониқтираётгани йўқ (қаранг: 44; 49; 25).

Лисоний ижодкорлик фаолиятининг тил тизими, миллий маданият, ижтимоий муҳит билан боғлиқ жиҳатларини қиёсий ўрганиш ҳаракати “гўдаклик” даврини кечирмоқда. Баъзилар бизга фанимизнинг бу соҳалари ҳали шаклланиб улгурмаганлигини, бажарилган тадқиқотлар ягона методология, таҳлил усулларига эга эмаслигини уқтирмоқчи бўладилар.


Фикримизча, кўпўлчовлилик ва ёндашувлардаги хартомонламалик илму фан тараққиётига тўсиқ бўлмасдан, балки танланган объектнинг турли жиҳат ва хислатларини аниқлашга йўл очади. Чет тилидан иккинчи тил сифатида фойдаланадиганлар томонидан битилган матнларни ўрганишга ҳам кўп томонлама, турли нуқтаи назардан ёндашиш қиёсий риторика ва прагматиканинг ривожига асос бўлиши аниқ.

Мактаб ўқувчилари, талабалар ва бошқаларнинг чет тилида битган матнларини таҳлил қилиш, албатта, олдиндан мавжуд эди. Бироқ бу таҳлиллар, асосан, йўл қўйилган лексик-грамматик, баъзан стилистик хатоликларни аниқлаш мақсадини кўзлаб, матн яратилиши ва тузилишининг тиллараро номутаносиблиги сабабларини излашдан анчагина йироқ турар эди. Дискурсив фаолиятнинг лисоний-маданий жиҳатларини ўрганишнинг орқага сурилишига тилшунослар ва методистлар узоқ қараб туролмадилар. 1966 йили америкалик Роберт Капланнинг “Cultural thought patterns in intercultural education” мавзусдаги мақоласи “Language Learning” журналида эълон қилинди. Турли миллатларга мансуб студентлар томонидан инглиз тилида ёзилган кичик ҳажмдаги очеркларининг мантикий тузилиши (қисмларга тақсимланиши)ни қиёсий ўрганган олим тақсимланишдаги бундай фарқларнинг матн муаллифлари тафаккур тарзи билан боғлиқ эканлигини аниқлайди. Унинг тахминича, риторика асосида турган мантикий тафаккур жараёни барчада бир хил кечмайди, у миллатлараро фарқларга эга. Шу боис, нутқий фаолият жараёни, яратилаётган матнлар тузилиши турлича кўриниш олади. Бунинг асослашга уринган Р.Каплан шундай ёзади: “*Logic (in popular rather than the logician’s sense of the word) which is the basis of*

rhetoric, is evolved out of culture; it is not universal, Rhetoric, then, is not universal either, but varies from culture to culture and even from time to time within a given culture. It is affected by canons of taste within a given culture at a given time”(Kaplan 1966, 2).

Мантиқ (Каплан бу сўзни “тафаккур юритиш” мазмунида тушинишни сўрамоқда) ва лисоний фаолиятнинг ўзаро алоқадорлиги айри ҳолда мавжуд бўлмаслиги ҳақиқат, аммо уларнинг миллий маданият билан боғлиқлиги бир хил даражада бўлмаса керак. Ҳаммамизга “Тилшуносликка кириш” курсиданок яхши таниш бўлган нисбийлик назариясининг муаллифлари Э. Сепир ва Б. Уорф ҳар бир халқ ўз “тафаккур олами”га шу “олам”ни шакллантирувчи норма, одатларга эга эканлигини исботлаш илинжида бўлганликларини яхши биламиз(қаранг:8). Айни пайтда, нолисоний табиатли, барча тилларда сўзловчилар учун умумий бўлган “универсал предметлик коди” негизда тафаккур юритиш имконияти мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас ва шу эҳтимол когнитологларни барча этник миллатлар фаолияти учун умумийлик сифатида эга бўлган семантик ибтидолар (примитивлар)ни аниқлашга ундамоқда(35).

Бизнингча, Р.Каплан ҳам тафаккур фаолиятини тўлиғича миллий-маданий қоидалар қамровига бериб қўйишнинг тарафдори эмас ва унинг мақоласида келтирилган чизмалар кўпроқ турли тилларда битилган матнлар қисмлари кетма-кетлигини шарҳлаш учун қулайдир:



Ушбу чизмалардан маълум бўладики, инглиз, америка анъанасига кўра фикрни ёзма баён қилиш тўғри чизиқли кўринишга эга, семитик тилларда эса қисмларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Шарқ тилларида бу мақсадга бошқа усулда эришилади, яъни фикр баёни синиқ чизиқли кўриниш олади, шунингдек, рус тилида битилган матнларда мазмундан чекиниш ҳолатлари, ундан йироқроқ воқеалар тасвири кўп учрайди. Гумонсиз, Р.Каплан таклиф қилган таснифий белгилар ҳар доим ҳам бир хил “куч”га эга бўла олмайди. Матн ёзилиши тўлиғича миллий маданий анъаналарга тобе эканлигига ишониш қийин. Олим матн яратилишини ўта оддий жараён сифатида тасвирлаб, Арасту давридан маълум бўлган беш тамойилни (ижодкорлик, хотира, тартиблаштириш, услуб ва маълум қилиш) ягона бир амал – таснифлаш йўли билан системалаштиришга қарам қилиб қўйганлигига ҳам ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ(қиёсланг: 21, 153). Лекин унинг ишлари

жаҳон, айниқса, АҚШ ва Европа тилшунослигида ўша пайтлари ҳукмрон мавқени эгаллаб турган структур, генератив тилшунослик асоратларидан кутулиш ва лингвистик таҳлил объекти сифати сунъий равишда тузилган гап ўрнига дискурсив фаолиятни ҳамда унинг маҳсули – матн танлашнинг муҳимлигини тасдиқловчи тадқиқотлар сафидан ўрин олди.

Маълумки, охириги ўн йилликлар давомида матн ҳодисасининг турли жиҳатлари бирмунча батафсил ўрганилди, шу даврда, айниқса, матннинг лисоний бирлик сифатида эътироф этилишини таъминловчи категориал белгилар қаторини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Рус услубшуноси И.Р. Гальперин ўтган асрнинг саксонинчи йилларида нашр қилинган монографиясида категориялардан саккизтасини (информативлик, қисмлардан иборатлилик, когезия, давомийлик, проспекция, ретроспекция, модаллик, яхлитлик, тугаллик) санаб ўтган эди(46). Айнан шу даврда Европанинг бошқа ҳудудларида яшаган олимлар ҳозиргина эслатилган саккизликнинг информатик, когезия каби кўрсаткичларини сақлаб қолиш билан бирга, матннинг когерентлик (қисмларнинг мантикий-семантик боғланиши), интенционаллик (структуранинг коммуникатив мақсад билан боғлиқлиги), адресатлик (ахборотни уни қабул қилувчининг ижтимоий мавқеини инобатга олган ҳолда узатиш), ситуативлик (матн структур-семантик тузилишининг коммуникатив вазиятга мос келиши), интертекстуаллик (матн таркибида инвариант мазмун-маънонинг қайта яратилиши) каби белгиларни ҳам инобатга олиш муҳимлигини қайд этадилар(2, 36). Кейинги тадқиқотларда ҳам матн ҳодисаси таснифида айтилган категорияларнинг муҳимли таъкидланиб, ушбу ҳодисанинг турли тиллар қиёсида ўрганишнинг барчага маъқул келадиган усуллари қидирилмоқда(масалан қаранг: 24; 14; 10; 55; 42).

Биз ҳам инглиз тилини ўрганиб, ундан *lingua franca* сифатида фойдаланаётганлар дискурсив фаолияти хусусиятларини улар томонидан битилган матнлар қиёсида ўрганишда умумий матншуносликда эътироф этилган тушунча ва категориялар тўпламига мурожаат қилишни маъқул кўрдик. Таъкидланганидек, матннинг яхлит бутунлик кўринишини олиши ва ахборот уз/атиш манбаси бўлиши когезия ва когеренция талабларига риоя қилиниши билан боғлиқ.

Когезия (*cohesion*) ҳодисаси, одатда, матн тузилишининг асосий категорияси сифатида қаралиб, турли лисоний бирликлар воситасида гаплар ҳамда алоҳида матн қисмларининг ўзаро боғланишини акс эттурувчи ҳодиса сифатида талқин этилади. Лондон функционал мактабининг вакиллари М. Ҳоллидей ва Р. Ҳасан ушбу ҳодисанинг икки кўринишда намоён бўлишини кузатишиб, *non-structural cohesion* (референция, субституция, эллипсис, боғловчилар воситасидаги ва лексик когезия) ҳамда *structural*

cohesion турларини фарқлашни таклиф қилган эдилар(7). Кейинги йиллари олимлар лондонликлар изидан бориб, когезия ҳодисасининг турли кўринишларини фарқлаш усулларини топиш билан машғул бўлдилар. Рус психоллингвисти А.И.Новиков когезия ички ва ташқи кўринишда воқе бўлиши мумкинлигини ва шунга нисбатан уни таснифлаш лозимлигини таъкидлади(52, 26–27). Бошқа гуруҳдаги тилшунослар эса анъанавий синтаксис таҳлил усулларини матн сатҳига татбиқ қилиш тарафдори бўлдилар(51; 41 ва бошқалар). Бу тадқиқотлар натижасида когезия, яъни матн тузилишидаги яхлитликни ҳосил қилувчилар нафақат грамматик, лексик, балки семантик, стилистик, коммуникатив-композицион кўринишдаги воситалар бўлиши мумкинлиги ҳам эътироф этилди(1, 24).

Когеренция категорияси ҳам узоқ йиллар мобайнидаги тадқиқотлар жараёнида турли тавсифларни олди(қаранг: 33). Дискурс таҳлиliga бағишланган тўпламлардан бирида чоп қилинган мақолада когеренция ҳодисаси таҳлиliga оид назарий ғоялар умумлаштирилиб, бу таҳлилga “релевантлик назарияси” (*relevance theory*), “макро структуралар моделлари” (*macro-structure models*), “риторик структура назарияси” (*thetorical structure model*) “нутқий акт назарияси” (*speech act theory*), “конверсацион таҳлил” (*conversational analysis*), “фрейм таҳлили” (*frame analysis*) каби назариялар нуқтаи назаридан ёндашиш анъаларини юзага келганлиги айтиб ўтилди (27, 239–253). Баъзилар когеренцияни батамом когезияга қарама-қарши қўйиб, улар ўртасида алоқа бўлиши шарт эмас деган хулосага келишдан ҳам тортинмаяптилар. Шу фикр тарафдорларидан бўлган С. Уитте ва Ж.Фрейдли келтирган мисолни олайлик(37,201): *The quarterback threw the ball toward the tight end. Balls are used in many sports. Most balls are spheres, but a football is ellipsoid. The tight end leaped to catch the ball.*

Муаллифлар фикрича, ушбу матн парчасида *ball* сўзининг такрорланиши гапларни ўзаро боғлаб, когезиянинг юзага келтирувчи восита вазифасини ўтамоқда. Лекин бу матн, унда гаплар ўртасида мазмуний боғланиш мавжуд эмаслиги сабабли, когерентлик белгисидан маҳрум, чунки ушбу категория “матнни воқелик билан боғлиқ ҳолда англаш” имконини яратади(37, 199).

Мақола муаллифлари томонидан когерентликнинг матн мазмун олишидаги ўрни ҳақида билдираётган фикрлари ўта тўғри, бироқ когезия когерентлик ёки матн мазмуни учун ҳеч қандай ролни ўйнамайди, деган қарашларига қўшилиб бўлмайди. Мазмунсиз нутқий тузилмага матн мақомини беришнинг ўзи нотўғри ва бунда қандайдир категориал белгининг фаоллашуви ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат ҳам қолмаса керак. Матн таҳлиlinи когезия ва когерентлик биргаликда фаоллашадиган категориялар

сифатида қараган ҳолда амалга оширган маъқул ва шу йўл билан инглиз тилини ўрганганлар яратган матнларнинг сифатини баҳолаш мумкин.

Матн тузилишида когезия ва когеренция қоидаларига амал қилиш даражасини аниқлаш мақсадида турли миллатга мансуб магистрантлар томонидан инглиз тилида тайёрланган матнларни қиёсладик. Умумий мавзу сифатида “*Friendship*” мавзуси тавсия қилинди ва тажриба иштирокчиларидан тахминан уч минг лисоний белгидан иборат ҳикоя ёзиш сўралди. Тажрибани ўтказишга Самарқанд давлат чет тиллар институти, Нукус давлат университети, Россиянинг Воронеж университети, Украинанинг Киев лингвистик университети, Жанубий Кореянинг Чезу университети, Хитойнинг Шанхай чет тиллар университети ва Италиянинг Сиена университетидан бештадан магистрант иштирок этди. Асл дўстлик нималарга асосланиши баён қилинган ҳикоялар электрон почта орқали қабул қилиб олингандан сўнг, она тили инглиз тили бўлган талабалар томонидан уларбаҳоланди. Жамланган матнлардан энг яхшилари эки экспертлар танлаб олдилар ва уларни қиёслаб таҳлил этдтлар.

Ушбу таҳлил натижаларига кўра, когезия ва когеренция ходисаларининг мундарижаси барча тиллар учун умумий хусусиятларга эга ва бунда мазмун ривожининг уч тури, яъни параллел тараққиёт (ўзаро боғланаётган гапларнинг мавзуси битта), кетма-кет тараққиёт (ҳар хил мавзудаги гаплар боғланиши), кенгайтирилган параллел тараққиёт (матн парчасининг биринчи ва охириги мавзулари мос келса-да, лекин улар оралиғига кенгайтирилган тараққиёт ҳам суқилиб киради) воқеланиши кузатилади. Биз тўплаган матн вариантларидаги фарқ айнан шу тема тараққиёти турларининг кетма-кетлигида намоён бўлди.

Маълумки, инглиз тилида воқеалар ёзма баён қилинганда гапларнинг субординатив, яъни тобъелик кўринишидаги алоқаси етакчи ўрин эгаллайди. Масалан, *The boy was here, and he drank the milk* тузилмасининг ҳеч қандай қийинчиликсиз *The boy was here. He drank the milk ёки Milk was drunk by the boy who was here* трансформаларига келтириш мумкин. Туркий тилларда эса эргашган кўшма гапларнинг нутқдаги қўлланиши нисбатан кам учрайдиган ҳолат (қиёсланг: 29, 395). Мажхул даража шаклининг гап таркибида фаоллашув даражаси кўрсаткичи эса умуман паст. Шу боис бўлса керак, ўзбек ва қорақалпоқ магистрантлари инглиз тилида тузган матнларда координатив алоқа, қисмларнинг ўзаро уюшиб келиши маъқул кўрилган. Инглиз тили соҳибларининг ўзлари ахборот баёнида даставвал умумий маълумот баёнотиға эътибор қаратиб, кейин уни тасдиқловчи мисолларга мурожаат қиладилар. Ўзбек миллати вакиллари тузган матнларда эса такрор ва параллеллизм айтилган фикрни асословчи восита ролини ўтаётганлиги

маълум бўлди. Бунда параллелизм стратегиясини амалга оширишда “so”, “and” каби бирликлардан кенг миқёсда фойдаланганлик сезилади.

Шанхайлик ҳамкорларимиз ёрдамида олинган хитой магистрантларининг инглиз тилида ёзган “*Friendship*” мавзусидаги матнлар ўрганилганда, улар когерентлик кўрсаткичларининг структур-семантик таркиби ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги маълум бўлди. Буни, масалан, ушбу матнларда муаллифлар ўз мақсадларини ифодалаш учун риторик саволлар, ўхшатишлар ва мақолларга кўпроқ мурожаат қилганларида кўрамиз. Мулоқот мақсадининг бу йўсинда ифодаланиши хитойликлар миллий маданиятининг намунасиdiri. Бошқаларга ҳаволалар бериш, уларнинг фикрларига таяниш, миллий қадриятларни улуғлаш боадаблик тамойили ҳисобланади.

Хитой ёзув маданиятида кенг тарқалган усуллардан бири фикр баёнида тўрт қисмли моделга риоя қилишдир. Мутахассислар *qi* – *cheng* – *jun* – *he* тизимидан иборат деб қаралаётган ушбу модел қуйидагича шарҳланмоқда: *qi* – ўқувчини мавзу (топик)ни идрок этишга тайёрлаш; *cheng* – мавзунини маълум қилиш ва ривожлантириш; *jun* – умумий мавзуга алоқаси йўқдек кўринадиган ҳодисани эслатиш; *he* – хулоса яшаш(3, 12). Айни шу модел талабларига бўйсунуш одати хитойлик талабаларнинг инглиз тилида битган матнларида ўз аксини топиши ҳам кутилган ҳолдир. Сингапурда тадқиқот олиб борган ўқитувчи мутахассислар хитой талабаларининг инглиз тилидаги олтимишта ёзма ишини таҳлил қилиб кўрганларида, уларнинг 50,9 фоизи ҳозиргина изоҳланган тўрт қисмли моделда ёзилганлиги маълум бўлган(11). Биз тўплаган матнларда ҳам юқорида эслатилган анъанавий хитойча баён моделининг таъсири кучли эканлиги, инглиз баён услубига хос бўлган ягона бир тематик гап (*topic sentence*) атрофига бир неча гапларнинг бирлашуви ҳолатларининг нисбатан кам учраши аниқ кўзга ташланади.

Фикр баёни, у ёзма ёки оғзаки кечишидан қатъи назар, мантикий-когнитив ҳаракатлар кўламида воқеланади. Бу кўламда фаоллашадиган ҳаракатлар, асосан, икки (индуктив ва дедуктив) кўринишда ҳосил бўлади. Файласуфлар таърифича, дедукция – воситали хулоса чиқаришнинг алоҳида шакли бўлиб, бунда хулоса умумийдан яккага қараб боради. Индукция эса, аксинча, бир неча якка ёки айрим ҳукмлардан умумий ҳукмга ўтиш методидир(54, 164). Матн мазмунини тузилишида когерентликка эришиш учун индуктив ёки дедуктив услубларни танлашда ёзувчи адресантларнинг миллий-маданий менталитетини инобатга олиши зарур бўлади. Кузатишларга қараганда, Шарқда фикрни индуктив услубда баён қилиш анъанаси ҳукмрон, яъни сўзловчи ёки ёзувчи ўз мақсадини бирданига, очиқ баён қилмасдан, балки кичик, баъзан аҳамиятсиздек кўринадиган ҳодисалар

хақида фикр юритиб, хулоса чиқаришни тингловчи-ўқувчи ихтиёрига қолдиришни маъқул кўради. Мақсад ифодасини кечиктириш амалларидан иборат индуктив методдан фойдаланиш асосида яратилган матн эса инглизлар учун когерентлик белгисига эга эмасдек туюлади.

Инглиз ўқувчиси матн билан танишиш жараёнида унинг қисмлари ўртасидаги мазмуний боғланишга ишора қилувчи формал кўрсаткичларни, матн яхлитлигини таъминловчи воситаларни излайди. Ёзувчи қисмларни боғловчи “оралиқ” баёнларни киритишга ҳаракат қилади. Шарқий тиллардаги матнларда бунда “оралиқ ўтказгичлар”дан фойдаланиш ҳолатлари кам учрайди. Бунинг исботини корейлик магистрантлар тузишган матнлар таҳлилида ҳам кўрдик.

Корейликлар инглиз тилида матн тузиш жараёнида хитойликларга хос бўлган тўрт қисмли *qi – cheng – jun – he* тизимига мос келадиган *ki – sung – chon – kyul* моделини қисман такрорлайдилар. Улар инглиз тилини ўрганиш давомида фикрни ёзма баён қилишнинг янгича, инглиз – америка, анъаналарига хос усуллариини ўзлаштирган бўлсалар-да, баённинг нозизиқли (нотекис) усулидан тўлиғича воз кеча олмаганлар.

Бундан ташқари, инглиз анъанасига хос бўлган “мақсад + уни асослаш+ хулоса” тизимидаги баён моделига корейсмагистрантлари ёзган матнларнинг фақат иккитасида амал қилинганлиги аниқланди.

Италиялик магистрантлар томонидан инглиз тилида ёзилган эсселар матнлари ҳам бошқаларга қиёслаб таҳлил қилинди. Таҳлилдан маълум бўлишича, итальянлар кўпроқ узун, катта ҳажмдаги гапларни тузишни ёқтирадилар, уларнинг нутқида содда гаплар, аксинча, камроқ учрайди. Уларнинг инглизча матнларида илова тузилмалари, синонимлар, олмошлар, сабаб ва изоҳ гапларини киритувчи боғловчилар кўп миқдорда учрайди. Содда гапларнинг асл инглиз матнларига нисбатан кам миқдорда қўлланиши итальян ёзувчилари услубини “уюшиш имконияти саёзлашган услуб” сифатида баҳолашга сабаб туғдиради. Италиянлар безакли ва тафсилотли баён тарафдори бўлсалар, инглизлар сокин, биртекис кечадиган баённи ёқтирадилар.

Қиёсий риториканинг асосчиларидан бўлган Р.Каплан рус ҳамда роман тилларида битилган матнлар мавзудан чекинишлар ва ёт киритмаларга бой эканлиги билан ажралиб туришини қайд этган эди(Kaplan 1966: 1-20). Инглизлар учун ўта ортиқча туюладиган ахборотнинг бу йўсинда узатилишига ажабланмаслик керак, чунки русларнинг тафаккур юритиш йўналиши синиқ чизиқли бўлиб, баъзан тўхталиш ва чекинишларга ҳам йўл қўйилади. Алоҳида миллатларфикр юритиш қобилятининг фарқли жиҳатларимантикий асосларини аниқлаш, албатта, қийин масала. Лекин

файласуфлар ва этнопсихологлар буларнинг сабабини алоҳида халқлар ҳаёт тарзи ва тарихида кечадиган воқеалар билан боғлашни маслаҳат қилмоқдалар. Машҳур этнопсихолог Георгий Гачев кўрсатиб ўтганидек, бепоён юртда яшаган рус халқи қадимдан секин қадамлар билан табиий тараққиёт йўлини танлаган. Халқнинг бу йўсиндаги ҳаёт тарзи унинг айиқ билан қиёсланадиган образи шаклланишига сабаб бўлган. Табиийки, шундай катта гавданинг юрак уриши ва қон ҳаракати ритми атроф мамлакатлардаги ҳайвонларникидан (Германияда – бўри, Францияда – тулки, Англияда – ит) фарқ қилади. Аммо атрофдаги ҳаракатчанликка мойил кўшнилари уйқудаги айиқни тезроқ уйғонишга ва ярмарка – бозорларда ўйин кўрсатишга, ўзгаларга хос удумларга мослашишга ундадилар(47, 208–209).

Бегумон, ҳаёт кечиришнинг бу хил темпи ва ритми миллат вакиллари тафаккур фаолиятида ўз изини қолдиради. Биз бунга тажрибамиз иштирокчилари воронежлик ва киевлик магистрантлар тузган матнлар билан танишаётганимизда яна бир қарра ишондик. Ушбу матнлар, биринчидан, синтактик жиҳатидан мураккаб тузилишга эга бўлса, иккинчидан, турли киритмалар, илова тузилмаларга бой. Уларда когезия ва когерентлик категориялари асосан боғловчилар воситасида фаоллашган. Рус ва украин талабалари мазмуннинг пропозицияга боғлиқ қисми ифодасини бироз четга суриб қўйиб, ёритилаётган ҳодисага нисбатан шахсий муносабатларини маълум қилишга кўпроқ эътибор қаратганлар. Натижада, уларнинг матнлари, мазмундаги аниқлилини, маълумотлар ишончли бўлишини маъқул кўрадиган америкаликларникига нисбатан анча юқори даражада эмоционал кўриниш олади.

Яқинда Банжа университетининг (Босния ва Герцоговина) ходимлари инглиз тилини ўрганаётган студентларнинг фикрни ёзма ифодалаш қобилиятини шакллантириш муаммолари ҳақида гапираётиб, инглиз-америка матн тузиш анъанаси бутун дунёда бир хилда сақланиши ҳақидаги ғояни олға суришга ҳаракат қилиб кўрдилар(18, 236). Сўзсиз, алоҳида бир миллат вакиллариининг ҳаёт тарзи бир хил кечиши, улар умумий тажрибага эга бўлиши ва бир хил қадриятларни улуғлаш билан бирга, ягона тил соҳиби бўлиши мумкин. Лекин бу тил бошқалар томонидан ўрганилиб, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдаланилаётганида унинг бир хил бўлиб қолишига ишониш қийин.

Ўзлаштирилаётган тил янги муҳитга, маданиятга мослашуви, инновацион хусусиятларга эга бўлиб бориши доимо кузатилган. Шундай шароитда тил вариантларининг юзага келиши ҳам муқаррар. Ушбу вариантлар пайдо бўлишини ва уларнинг фарқли белгилари шаклланишини фақат маданий омиллар билан изоҳлашнинг ўзи етар эмас, зеро мулоқотнинг

кандай ижтимоий муҳитда кечаётганлиги, яратилаётган матнларнинг қайси жанр, функционал услубга оидлиги ҳам вариантларни фарқлашга сабаб бўлади.

Турли функционал стилларга оид матнларнинг социолингвистик хусусиятлари ва уларда фаоллашадиган тил вариантлари дунё тилшунослигида анчадан буён ўрганиб келинмоқда. Бироқ ушбу матнларнинг турли миллат вакиллари томонидан ягона бир тилда битилганлари таҳлиliga эътибор қилиш жуда кам учрайди.

Ушбу бўшлиқни бироз бўлсада тўлғазиш мақсадини кўзлаб, биз ҳамкор университетларимиз ёрдамида инглиз, рус, хитой, корейс, испан ва ўзбек олимларининг инглиз тилида тайёрланган илмий мақолалари электрон вариантларини тўпладик ва уларни америкалик мутахассислар иштирокида таҳлил қилдик. Танлаб олинган мақолалар матни 4000–5000 сўздан иборат бўлиши ҳамда биология, математика, бизнес бошқаруви, филология ва психология соҳаларига тегишли бўлиши шарт қилиб қўйилган эди.

Матнларнинг дастлабки қиёсида улар ўртасида катта фарқ сезилмади, бу эса илмий мулоқотнинг тобора байналмилал кўриниш олаётганлигидан дарак беради. Аммо батафсил таҳлил жараёнида бу борадаги байналминалликнинг ҳали тамоман чуқурлашмаганлиги ва касбий-нутқий фаолиятнинг миллий-маданий белгилардан холос бўлиб улгурмаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Биринчи навбатда, рус ва ўзбек докторантларининг матни Фарб илмий нашрларига мос равишда мазмуний қисмларга ажратишда анчагина қийналганлари кўриниб туради. Айниқса, уларнинг мақолаларида *Abstract* қисмининг йўқлиги сабабли, тадқиқот мақсади ва вазифалари матн бошланишида ёритилмасдан қолади. Бу ҳолда матн мазмунининг “чақиш” тўлиғича ўқувчи-адресатнинг ихтиёрига ҳавола қилинади.

Адресат мўлжалини кўзлайдиган матнлар яратиш хитой ва корейсларга ҳам хос анъана эканлигидан хабардормиз ва худди шу анъана қисман илмий жанрдаги матнларда ўз давомини топмоқда. Чех матншуноси Светла Чмержкова олимлардан бу анъананинг узоқ сақланиши сабабини сўраган пайти “Агар мақолам мақсадини маълум қилмоқчи бўлсам, мавзу баёнини сўзма-сўз такрорлашга мажбур бўлар эдим”, деган жавобни олган экан(5,18).

Тўпланган матнларнинг сиртқи сатҳи тузилиши билан танишиш давомида кўзга ташланган яна бир фарқли жиҳат – муаллиф шахсининг матнда акс этиши, унинг ўзлиги ифода топишида намоён бўлади. Тадқиқотлари натижаларини баён қилаётган шарқликлар ўз ҳиссасини, натижалардаги улушини таъкидлашга шошилмайдилар, бу тадқиқот жамоага тегишли эканлигини таъкидламоқчидек кўринадилар, улар ёзган мақолаларда

“мен” ўрнига “биз” қўлланилади. Ғарблиқлар эса, аксинча индивидуализм тарафдорларидир, улар “мен”ни такрорлашдан ҳеч қачон қочмайдилар.

Мақоланинг давоми келгуси сонда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ashurova D.I. Text Linguistics. – Tashkent: Tafakkur qanoti, 2012. – 200 p.
2. Beaugrande de R.A., Dreeker W. Introduction to Text Linguistics. – London: Longman, 1981. Manba: <http://WWW.Beaugrande.Com/Intro1981Five.htm>.
3. Chai G. Texts in Contexts: Understanding Chinese Students English Compositions. In: Cooper C.R. and Odell L. (eds.) Evaluating Writing.-Urbana, IL: National Council Teachers of English, 1993. – P. 5–19.
4. Choi Y.N. Text Structure of Korean Speakers Argumentative Essays // World English, 1988. Vol.7, No.2. – P. 129–142.
5. Čmerjkova S. Non-Native (Academic) Writing // Writing and Speaking: Language, Text, Discourse, and Communication. – Tübingen: Gunter Narr Verlag, 1994. – P. 303–310.
6. Connor U. Linguistic / Rhetorical Measure for Evaluating ESL Writing// Lyons L. (ed). Assessing Second Language in Academic Contexts. – NJ: Ablex, 1991. – P. 215–226.
7. Crismore A., Markkanen R., Steffensen M.S. Metadiscourse in Persuasive writing: A study of Texts Written by American and Finnish University Students // Written communication, 1993. Vol.10, No.1. – P. 39–71.
8. Darnell R. Edward Sapir: Linguist, Anthropologist, Humanist. – Berkeley: University of California Press, 1990. – 480 p.
9. Dijk T.A. van, Kintech W. Strategies of Discourse Comprehension. – Orlando: Academic Press, 1983.
10. Dijk T.A. van. Some Aspects of Text Grammar. – The Hague – Paris, 1982.
11. Fagan E.R., Cheong P. Contrastive Rhetoric: Pedagogical Implication for the ESL Teacher in Singapore // RELC: Journal of Language Teaching and Research in Southeast Asia, 1987. Vol.18.No.1. – P. 19–31.
12. Foley J. (ed) English in New Cultural Contexts. – New York: Oxford University Press, 1999.
13. Halliday M.A.K., Hasan R. Cohesion in English. – London: Longman, 1976.
14. Hartman P. Textlinguistische Tendenzen in der Wissenschaft // Folio Linguistika, 1975. No.8. – P. 1–49.
15. Hoffmann E. Lost in Translation. A Life in a New Language. – New York: Penguin, 1989.
16. Jalolov J. Makhkamova G., Ashurov Sh. English Language Teaching Methodology. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.
17. Jenkins S., J. Business Letter Writing: English, French, Japanese // TESOL Quarterly, 1987. vol. 21., No. 2. – P. 327–354.
18. Jositovič S., Mitč S. Productive Writing for Better Linguistic and Cultural Acquisition by English Language Students // Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics, 2014., Vol.1., No.3. – P. 233–240.
19. Krause M. Epistemische Modalität: Zur Interaction Lexikalischer und Prosodischer Marker. – Weisbaden: Harrassowitz, 2007.
20. Larsen-Freeman Long M. An Introduction to Second Language Acquisition Research. – London and New York: Longman, 1991. – 398 p.
21. Liebman J.D. Toward a New Contrastive Rhetoric: Differences between Arabic and Japanese Rhetorical Instruction // Journal of Second Language Writing, 1992. Vol.1, No. 2. – P. 141–166.

22. Maier P. Politeness Strategies in Business Letters by Native and Non-Native English Speakers // English for Specific Purposes, 1992, vol.11. No.3 – P. 189–205.
23. Man T.P., Purves A.S., Degenhart R.E. (eds.) The IEA Study of Written Composition: The International Writing Tasks and Scoring Scales. – New York: Pergamon Press, 1998.
24. Martin J.E. Towards a Theory of Text for Contrastive Rhetoric: An Introduction to Issues of Text for Students and Practitioners of Contrastive Rhetoric. – New York: Peter Lang, 1992.
25. Mauranen A. Cultural Differences in Academic Rhetoric. – Frankfurt am Main: Peter Lang, 1993.
26. Mauranen A. Reference in Academic Rhetoric: A Contrastive Study of Finnish and English Writing. In: Nordic Research on Text and Discourse. Nord Text Symposium. – Abo: Abo Akademi Press, 1992. – P. 273–250.
27. Ostman J.O., Virtanen T. Discourse Analysis. In: Verschueren J., Ostman J.O. and Blommaert J. (eds.) Handbook of Pragmatics. – Amsterdam: John Benjamins, 1995. – P. 239–253.
28. Pennycook A. The cultural politics of English as an International Language. – London: Longman, 1994.
29. Sayfullayeva R., Mengaliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunosova Z., Abuzalova M. Hozirgi O'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2010. – 404 b.
30. Silva T. Toward an Understanding of the Distinct Nature of L2 Writing: The ESL Research and its Implications // TESOL Quarterly, 1993.vol.27, No.4 – P. 657–677.
31. Svalberg A. Language Awareness in language learning and teaching: A research agenda // Language Teaching, 2012, vol.45, No.3. – P. 376–388.
32. Tang Y. Beyond behavior: Goals of cultural learning in the second language classroom // Modern Language Journal, 2006. V. 90, No.1. – P. 86–99.
33. Tannen D. (ed.) Coherence in Spoken and Written Discourse. – Norwood: Ablex, 1990.
34. Tierney R.J., Mosenthal J.H. Cohesion and Textual Coherence // Research in the Teaching of English, 1983. Vol.17. – P. 215–229.
35. Wierzbicka A. Semantics, Culture and Cognition. – New York – Oxford: University Press, 1992.
36. Winegar L.T. Can internalization be more than a magical phrase? Notes towards the constructive negotiation of this process. In: Lightfoot C. and Cox B.D. (eds.) Sociogenetic Perspectives on Internalization. – Mahwah –New York: Lawrence Erlbaum, 1997. – P. 25–39.
37. Witte S.P., Faigley L. Coherence, Cohesion, and Writing Quality // College Composition and Communication, 1981. Vol. 32, No. 2. – P. 189–204.
38. Worth B.L. Language, Thought and Reality: Selected writings of Benjamin Lee Worth. – Cambridge, Ma: MII Press, 1956.
39. Yli-Jokipii H. Running against Time and Technology: Problems in Empirical Research into Written Business Communication // Communication and Discourse across Cultures and Languages. – Finland: Kopi-Jyvä, 1994. – P. 59–72.
40. Беляева Е.И. Достоверность// Теория функциональной грамматики. – Ленинград: Наука, 1990.
41. Богданов В.В. Текст и текстовое общение. – Санкт-Петербург: Изд-во СПб. у-та, 1990. – 89 с.
42. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2009. – 190 б.
43. Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010. – 151 б.
44. Вежицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики. – Москва: Языки славянской культуры, 2001. – 272 с.
45. Выготский Л. Мышление и речь. Сборник. – Москва: Хранитель, 2008. – 668 с.
46. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981.
47. Гачев Г. Ментальности народов мира. – Москва: Эксмо Алгоритм, 2008. – 544 с.

48. Ёқубов Ж. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 2005.
49. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. – Москва: Гнозис, 2002. –284 с.
50. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт, 2012. –150 б.
51. Москальская О.И. Грамматика текста. – Москва: Высшая школа, 1981. – 184 с.
52. Новиков А.И. Семантика текста и её формализация. – Москва: Наука, 1983. – 216 с.
53. Сафаров Ш. Система речевого общения: универсальное и специфическое. – Самарканд: Изд-во им. Гафура Гуляма, 1991. –171 с.
54. Фалсафа. Қомусий лугат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 496 б.
55. Чернявская В.Е. Интерпретация научного текста. – СПб.: Нестор-История, 2004. – 128 с.